

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил  
22 май,  
жума  
№ 15 (788)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, одамлар ҳаёти билан танишиш мақсадида 21 май кuni Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Олтинкўл туманидаги "Кўхна водий баҳори" фермер хўжалигида бўлиб, галла ва гўза ривожини кўздан кечирди.

— Иқлим шароити юртимизга ўхшаш хорижий давлатларда пахтадан 70 центнергача ҳосил олишади. Қандай қилиб? Илм билан, ақл билан. Андижонда ер камлигини ҳисобга олиб, ундан икки карра самарали фойдаланиш зарур. Ишсиз, даромади етарли бўлмаган минглаб одамлар бор. Ишимизга ўшаларнинг кўзи билан баҳо беришимиз керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари гўза қатор ора-ларига соя экиш бўйича Андижон тажрибасини яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

— Фермер далага режа учун эмас, даромад учун қилиши керак. Соя экилса, битта майдондан икки баробардан зиёд даромад олиш, яна кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш мумкин. Ундан олинмаган мой ҳам, омехта ем ҳам жуда сифатли, бозорбоп. Тўғри, бу қийин. Лекин қайси иш осон? — дея савол қўйди Шавкат Мирзиёев.

Агротехнологияларни ривожлантириш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг Андижон вилояти филиали негизда қишлоқ хўжалиги йўналишида алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этиш мўҳимлиги таъкидланди.

"Кўхна водий баҳори" фермер хўжалигининг умумий ер майдони қарийб 76 гектар. Жорий йилда галларнинг ҳар гектаридан 20, пахтадан 10 центнердан кўшимча ҳосил етиштириш режалаштирилган. Галла ҳосилдорлиги 81 центнер бўлиши кутилмоқда.

Фермер хўжалигида 60 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Чорвачилик, асаларичилик йўлга қўйилган.

Шу ерда пахтачилик, галлачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қайта жиҳозланган автобусда ташкил этилган сайёр лаборатория билан ҳам танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги "ВБМ текстиль груп" МЧЖга қарашли экспортбоп тайёр тикуччилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхонада ҳам бўлди.

Ушбу корхона билан таъминланган икки йил олдин "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги эски бино лойиҳа ташаббуслари билан инвестиция

кириштириш шарт билан "ноль" харид қийматида берилган эди.

Ўтган даврда қарийб ўн уч йил қаровсиз ётган мазкур иншоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди.

Италия, АКШ, Япониянинг замонавий тикуччилик дастгоҳлари ўрнатилиб, 1200 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳани ишга тушириш учун 6,5 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4 миллион доллари тижорат банки кредитидир.

Президентимиз мазкур корхона му-тахассис ва тикуччилари билан суҳбатлашиб, ишлаб чиқарилган тикуччилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

— Авваламбор, сизларни яқинлашиб келаётган улуг айём билан табриклайман. Бу фабрика андижонликларга ўзига хос тўхта бўлибди. Биз учун ҳар бир иш ўрни муҳим. Бу ерда шунча хотин-қиз ишли бўлганидан жуда хурсандман. Тадбиркорларимиз жаҳон бозорларига чиқмоқда. Бу — дунёқараш ўзгариши, имкониятлар натижаси, — деди Президент.

МДХ мамлакатлари билан шартнома-лар имзоланган бўлиб, йилга 27 миллион долларлик маҳсулот экспорт қили-ни мўлжалланган. Бу географияни кенгайтириш мақсадида Европа Итти-фоқи давлатлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Мутасаддиларга пахта толасини қайта ишлашни чуқурлаштириб, қўшилган қиймат яратиш, корхоналарга қўшимча инвестициялар йўналтириб, ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлашти-ришга кўмаклашиш бўйича топшириқ-лар берилди.

Илгари вилоятда етиштирилган пахта фақат хомашё сифатида сотиларди. Бундан даромад 100 миллион долларга ҳам етмасди. Эндиликда қайта иш-лаш ривожланаётгани натижасида жор-ий йилда қарийб 440 миллион доллар-лик маҳсулот экспорт қилинади. 2021 йилда бу кўрсаткичи 527 миллион дол-ларга етказиш режалаштирилган.

Шу ерда вилоятда 2020-2021 йиллар-да амалга ошириладиган инвестиция, тадбиркорлик ва кичик бизнес, ҳунар-мандчиликни ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Хусусан, жорий йилда 954 та лойи-ҳани амалга ошириш белгиланган. Бу-нинг натижасида 68 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

"ВБМ текстиль груп" масъуляти чек-ланган жамияти томонидан Андижон-да жинси шим ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва бўяш корхоналари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Қиймати 30 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг ишга тушиши натижасида 2700 янги иш ўрни яратилади, йиллик 750 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Андижон аҳоли зичлиги энг юқори ҳудудлардан бири. Вилоятда ердан унумли фойдаланиш ҳисобига аҳоли-ни уй-жой, иш билан таъминлаш, иж-тимоий муҳофаза қилиш, турмуш ша-роитини яхшилаш мумкин. Шу боис бу ерда собиқ ишлаб чиқариш майдонла-ри ўрнида турар жой мажмуалари қу-риш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъ-минлаш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундан роппа-роса икки йил муқаддам — 2018 йил 20 май кuni Андижон шаҳрида қад рост-лаётган янги уй-жойларни кўрган эди. Мазкур ҳудудда бу масала долзарб экан-ини инобатга олиб, қўшимча турар жойлар қуриш бўйича топшириқ бер-дилди.

Шу асосида шаҳарда жами 1 минг 798 хонадондан иборат 41 та кўп қават-ли уй барпо этилди. Жумладан, бунёд этилаётган янги мавзедда ўтган йили йиғирмата 7 қаватли, иккита 16 қават-ли уй қуриб битказилди. Шу тариқа атиги уч йилда бу ерда илгор шаҳар-созлик андозаларига мос йирик мавзе пайдо бўлди.

Президентимиз ушбу мавзени бориб кўрди. 16 қаватли уйдаги хонадонлар-дан бирида бўлиб, оила билан суҳбат-лашди.

"Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжини-ринг компанияси бюртмаси асосида "Хоқон Автоинвест" МЧЖ томонидан қурилган 16 қаватли уйлар Андижон шаҳри учун намуна бўлди. Лойиҳа қий-мати 46,6 миллиард сўм бўлган уйлар Туркия технологияси асосида, маҳал-лий шароитни ҳисобга олган ҳолда ял-лит темир-бетондан зилзилага бардош-ли қилиб қурилган. Бинонинг ташки деворлари базальт материали билан қопланган. Интернет тармоғи, видеоку-затув тизими билан таъминланган.

Хонадонлар электр плита, ошхона мебелли, иситиш тизими ва иссиқ сув билан таъминлайдиган алоҳида қозон-хона билан март ойида тайёр ҳолда топ-ширилган. Ҳар бир уй иккитадан лифт билан жиҳозланган.

Мазкур уйлар ҳовлисида дам олиш ва спорт майдончалари, болалар ўйин-гоҳлари, автотураргоҳ барпо этилган.

Янги уйларда шунча майдондаги бошқа лойиҳаларга нисбатан 2 баробар кўп хонадонлар жойлашгани маҳаллий шароит учун жуда муҳим. Шу боис хона-донларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп.

Мазкур турар жойлар қурилиши ша-ҳарнинг ушбу қисмида урбанизация жараёнларини тезлаштирди. Аввало, кўп қаватли уйларда биронта сотилма-ган хонадон қолмади, бу қурилиш суръа-

тини оширди. Уйларга талаб юқорили-ги боис ҳудудга саноат корхоналари-нинг қизқиши кучайди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари-нинг аҳолининг уй-жой шароитини ях-шилаш ҳамда ипотека кредити бозор-ини янада кенгайтириш тўғрисидаги қарори асосида ҳудудда тижорат уй-лари ҳам барпо этилмоқда. Яна бир аф-зал жиҳати, бундай турар жой мавзе-лари боғча, мактаб сингари ижтимоий инфратузилмаси билан бирга қад ростламоқда. Бошқача айтганда, анди-жонликларнинг кўп йиллик орзу-ҳавас-лари ушломқда.

Аҳолини турар жойлар билан таъ-минлашни изчил давом эттириш зарур-лиги таъкидланди.

— Камбағалликдан чиқишнинг энг асосий замини — уй-жой. Одамларнинг бошпанаси бўлса, ўзи ҳаракат қилиб, рўзгорини оёққа қўйиб олади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Туманлардаги аҳоли зич жойларга ҳам коммуникация олиб бориб, барча шароитларга эга кўп қаватли уйлар қу-риш, замонавий қишлоқлар бунёд этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вило-ياتига сафари чоғида Марҳамат туманидаги "Водий ҳамкор агрофирма-си" томонидан ташкил этилган қуёнчи-лик кластери билан ҳам танишди.

1 гектардан зиёд майдонда ташкил қилинган мазкур кластер жорий йил 1 майдан ишга тушди.

Кооперация усулида 50 та хонадонга қуёнлар тарқатилиб, улардаги одамлар бандлиги таъминланди. Шунингдек, қуён терисини ошлаш ва теридан телпак ти-киш цехида 20 та иш жойи яратилди.

Корхонага "Калифорния", "Янги Зе-ландия", "Фландер", "Рекс" ва "Вели-кан" зотли 1000 бош қуён олиб келин-ган бўлиб, бир йил давомида улар сони 30 минг бошга етиши кутилмоқда. Бу ҳар бир қуён икки килограмдан тош босса, жами 60 минг килограмм пар-хезбоп гўшт етиштирилади деганидир.

Қуёнчилик кластери томонидан бир йилда жами 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш, 150 минг долларлик экспорт қилиш режа-лаштирилган.

Айни пайтда вилоятда қуёнчилик йўналишида 58 та лойиҳа амалга оши-рилмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида кооперация усулида хонадонларда қуён боқиш кўпайтирилса, экспорт ҳажми янада ошади.

Вилоятда омехта ем ишлаб чиқариш-ни кўпайтириш, қуёнчиликни 1 милли-он бошга етказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шу ерда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналари салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эзгулик, саховат ва мурув-ват ойи бўлган муборак Ра-мазон ойи бу йил мамлака-тимизда коронавирус панде-мияси туфайли **уйда, оила даврасида, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитида** ўтказилмоқда. Эл-юртимиз турли синов ва қий-инчиликлардан янада кучли ва қудратли бўлиб ўтган ҳол-да, муқаддас Рамазон ҳайи-тини эртанги кунга катта ишонч ва хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Ушбу улуг айёмнинг халқи-миз маънавий ҳаётида тугган ўрни, унинг жамиятимизда саҳийлик, шўқронлик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамия-тини инобатга олиб ҳамда миллий-диний қадриятлари-мизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонла-ри идорасининг 2020 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кuni **24 май — яқшанба** кuniга тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини ино-батга олиб, мамлакатимизда

2020 йил **24 май** Рамазон ҳа-йити байрами сифатида ни-шонлансин.

2. Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва ои-лани қўллаб-қувватлаш вазир-лиги, Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси ҳузу-ридаги Дин ишлари бўйича қўмида ҳамда жамоат ташки-лотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг **қарантин талабларига** мувофиқ, халқи-мизнинг миллий ва диний анъ-аналарига мос равишда ўти-ши учун тегишли чора-тад-бирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий тел-лерадикомпанияси, Ўзбеки-стон Миллий ахборот агентли-ги ва бошқа оммавий ахбо-рот воситаларига Рамазон ҳа-йитини нишонлаш билан бо-ғлиқ тадбирларни кенг ёри-тиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижро-сини назорат қилиш Ўзбеки-стон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 21 май

## Президентимизнинг «Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тўзалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармониغا ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга мос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо мuddатини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тўзалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қил-мишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тўзалиш йўлига қатъ-ий ўтган **258** фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **16** нафари асосий жазодан озод этилади, **101** нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шарт-ли озод қилинади, **24** нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилади. Шунингдек, **117** шахсга тайинланган озодлиқдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **7** нафарини **60** ёшдан ошган эркаклар, **1** нафарини аёл, **7** нафарини чет давлат фуқаролари, **164** нафари-ни тақиланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Янги қонун моҳияти

## Янги ва оқилона тартиблар

жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада мустаҳкамлайди

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одал судовга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш масалалари доимий эътиборда турибди.

Ўтган даврда жаҳрланувчи-лар, гувоҳлар ва жиноят про-цессининг бошқа иштирокчи-лари ҳуқуқларини ҳимоя қи-лишнинг мукамал тизими яратилди. Содир этилган ўта оғир жиноятлар бўйича ҳоди-са содир бўлган жойни кўз-дан кечириш, тинтув ўтказиш жараёни, олинган қўрсатма-ларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экс-перименти каби процессуал ҳаракатларни видеотасвир



орқали қайд этиш шартлиги-нинг қонуний асослари бел-гилаб берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Барқарор ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистондаги ижроси — парламент назоратида

БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сон резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси "2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш"ни ўз зиммасига олган.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳ-камасининг "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ри-вожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амал-га ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Шу ҳужжатга асосан, миллий мақсад ва вазифалар-ни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари раҳбарли-

гида Мувофиқлаштирувчи кен-гаш тузилган бўлиб, ҳозирги пайтда самарали фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, Ҳукумат қарори билан тегишли "Йўл харитаси" қабул қилинган ва ҳаётга из-чил татбиқ этилаётганлиги эътиборга молик. Яъни мил-лий кўрсаткичлар (индикатор-лар) рўйхати тасдиқланиб, жаҳон амалиётига мувофиқ,

улар янгиланиб келинмоқда. Бу масала Президентимиз-нинг ҳам доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, дав-латимиз раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаат-номасида Ўзбекистонда мазкур миллий мақсад ва вазифалар-ни самарали амалга ошириш мўҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Бюджет қаражатлари оптималлаштирилиши барқарорлиқни таъминлайди

янги қонун билан коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет қаражатлари оптималлаштирилади

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида маъқуланган "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун Президентимиз томонидан имзоланди.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз кўпгина давлатларнинг иқтисодиётига, шу жум-ладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, хиз-мат кўрсатиш ҳамда экспорт ва импорт ҳажмла-рининг қаймайши, транспорт алоқаларининг қисқаришига жиддий таъсир кўрсатди. Табиий-ки, ушбу ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодиёти-га ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Шарҳ

## Навбатдаги чора-тадбирлар:

тадбиркорлик субъектлари фаолияти қўллаб-қувватланади



Бу ҳақда гап борганда, пан-демияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарор-

лари қабул қилиниб, бизнес тузилмаларига қўллаб-қувватлаш ва преференциялар берилаёт-ганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 3-бетда) ▶

# ИЛМ БИЛАН, АҚЛ БИЛАН ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, ЯНАДА УЛКАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАМИЗ

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарига Ипотека банк томонидан Хитой технологияси асосида балиқ етиштириш лойиҳаси тақдим этилди. Одатда балиқчилик ҳўжаликлари бир гектар кўлда 3-4 тоннагача балиқ етиштирилади. Мазкур интенсив усулда бир гектар суный кўлда 100 тоннагача балиқ олинди. Шунча ҳосилни етиштиришга бор-йўғи олти ой вақт керак бўлди.

Ушбу технология биофильтр, ультрафиолет ёрдамида соати-га 200 тонна сувни тозалаб, кислородга бойитиб беради. Бир гектар ҳавзадаги сувни тозалаш учун 3 кун вақт керак бўлади. "Vally Fish" МЧЖ томонидан Андижон туманида амалга оширилган ушбу тажриба фоят самарали бўлиб, айни пайтда Улўғнор туманида 60 та тadbirkор 100 та Хитой технологиясини кўйишни бошлади. Бу ушбу интенсив усул ёрдамида вилоятда йил охиригача 10 минг тонна балиқ етиштириш мумкин деганидир.

Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарига маъқул бўлди. Балиқчиликда Андижон технологиясини барча вилоятларда ҳам амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Яқин кунларда вилоят ҳокимларининг қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосарлари учун Андижон туманида кўргазмали семинар ташкил қилиниб, балиқ етиштиришда Хитой технологиясини ўргатиладиган бўлди.

— Андижонда чорва кам, гўшт бошқа жойлардан олиб келинган. Қўён, парранда, балиқ кўпайтирилиб, гўшти истеъмолга чиқарилса, вилоятда гўшт нархи тушади. Камбағал оилаларга тарқатилиб, кластерлар томонидан қайта сотиб олинса, уларга даромад бўлади. Иқтисодий комплекс ва сектор раҳбарлари шу билан шуғулланиши керак. — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятга сафари чоғида "Замонавий қишлоқ" лойиҳаси тақдимоти билан танишди. Шу борада Пахтаобод тумани Бўстонбод қишлоғи ҳамда Кўрғонтепа тумани "Янги ҳаёт" маҳалласи учун дастлабки бош режа ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, қишлоқ ҳудудларга зарур муҳандислик коммуникациялари тортилиб, кўп қаватли уйлар қурилади. Улар, аввало, бир уйда кўпчилик яшаётган, муҳтож оилаларга берилади.

"Замонавий қишлоқ"да мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасасидан ташқари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, "Book safe", мини-банк шохбаси, спорт-кўнглолар масканлар, автобекат, кўйинглик, аҳоли учун барча қулайликлар яратилади. Шу тарихқа қишлоқларимиз ҳам келгусида замонавий, яшаш қулай масканларга айланади.

Президентимиз бу борада Андижон тажрибасини яратиб берилди. Бунинг учун алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш, "Замонавий қишлоқ"даги уйлари бошқа турар жойларга нисбатан арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, ипотека кредитлари асосида яқна тартибдаги уйлари қуриш-таъмирлаш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрида Digital City номи технология билан танишди. Яқиндагина 5,6 гектар майдонда қуриб битказилган ушбу мажмуа ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортни йўлга қўйишга қаратилган. Ҳозирги кунда бу ерда туманлардан 328 нафар мутахассис жалб этилган.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан суҳбатда уларни доимий ўрганиш, изланишга чорлади.

— Жуда тўғри йўлни танлагансизлар. Бу — серкирра ва истиқболли соҳа. Сизлар бошқалардан 10-15 йил олдин юришларингиз керак. Энг долзарб йўналишлар бўйича дастурий маҳсулотлар яратиш, ҳалқимизга ва хорижликларга қулай хизматлар кўрсатиш, ҳам оилангизга, ҳам жамиятимизга наф келтиришингиз мумкин, — деди Президент.

Технопаркда маҳаллий ёшлар, тadbirkорлар, янги ҳўнар ўрганиш истагида бўлган фуқаролар учун кенг қулайликлар яратилган. Жумладан, коворкинг маркази, дата-центр, конференц-зал, кутубхона, инновацион лаборатория ва ўқув хоналари, бизнес инкубатор, медиа марказ, киберспорт хонаси ташкил этилган.

Туманларда ахборот технологиялари бўйича бошланғич ўқув курслари бўлади. Улардан танлаб олинган ёшлар Digital Cityда интенсив равишда инглиз тилига ўқитилиб, IT хизматлар кўрсатишга тайёрланади. Технопаркдаги 76 нафар тингловчи мўлжалланган залда йил мобайнида 2 мингдан ортиқ кишини ўқитиш мумкин.

Ахборот технологиялари ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, дастурий маҳсулотлар экспортни йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган Digital City лойиҳаси моҳиятига кўра, Тошкентдаги IT паркдан сўнг ташкил этилган иккинчи, вилоятлар миқёсида эса биринчидир.

Мажмуада ётоқхона ва ошхона ташкил этиб, шароитларни янада яхшилаш, бундай технопаркларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам очиб бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Digital Cityнинг мақсади ва вазифалари, унда яратилган шароитлар билан танишар экан, келаси 5 йилда Ўзбекистон учун ушбу соҳани ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши, ёшларни иш билан таъминлаш, иқтисодийётни жадал ривожлантиришда соҳанинг имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлигини қайд этди.

Шу ерда ёшлар бандлигини таъминлаш, мактаб битирувчиларини фриланс бозорига таъинлаш, Digital City ("Рақамли шаҳар") технопаркидаги коворкинг маркази уларнинг ишини оsonлаштиради, техника, офис харажатларини қисқартиради. Бундан ташқари, марказда рўйхатдан ўтган дастурчилар жаҳон бозорига ўз хизмат ва маҳсулотларини экспорт қилиш, ҳамкорлар топиши оson кечеди.

Жорий йил январь-май ойларида вилоятда қарийб 19 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Йил охирига қадар яна 24 мингдан зиёд йигит-қизнинг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли режа ишлаб чиқилган. Жумладан, тadbirkорлик ва ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш каби соҳаларда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилади.

2019/2020 ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 11-синфини 40 мингдан зиёд ўқувчи тамомлайди. Улар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 12 мингдан зиёд ўқувчи олий таълим муассасаларида, қарийб 6 минг нафари техникум ва касб-ҳўнар коллежларида ўқиш, қолган қисми хизматга бориш, ҳўнар ўрганиш, тadbirkорлик билан шуғулланиш истагида.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида манзилли чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги дастур доирасида йил давомида хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратиш, субсидиялар ажратиш, ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилган аёлларга меҳнат ҳўноқомаларини бериш орқали жами 10 минг 88 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртига киролмаган ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг қизиқиш ва лаёқатини ўрганиб, касбга йўналтириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизнинг Андижон вилоятга таширифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза махсус мухбирлари**

## ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айтиш лозимки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Шу ўринда Барқарор ривожланиш мақсадларининг ҳар бири аниқ ва манзилли белгиланган 169 та вазифадан иборат бўлган 17 мақсади ўз ичига олганлигини қайд этиш ўринлидир.

Ҳўш, бу вазифа ва мақсадларга эришсак, қўлга киритадиган натижаларимиз қандай бўлади? Дастурда белгиланган вазифалар ва кўрсаткичларнинг 2030 йилгача самарали ижросини таъминлаш мамлакатда юқори иқтисодий ва ижтимоий натижаларга эришиш имконини беради.

Бу жараёнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари мазкур йўналишда юртимизда олиб борилаётган ишларни икки юзга яқин миллий кўрсаткичлар (индикаторлар) асосида баҳолаб боришадди.

Ана шундай тизимли ишларимиз самараси ўларок, бугун ушбу индикаторларни амалга ошириш бўйича ижобий натижаларга эриша бошладик. Биргина мисол: юртимиз 2019 йилда Жаҳон банкининг "Бизнес юретиш" рейтингига 7 поғонага кўтарилди, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллади.

Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида республикада иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоиз, экспорт 28 фоиз кўпайди. Энг муҳими, иқтисодийётимизга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2018 йилдагига нисбатан 3,1 миллиард долларга ортди. "Ҳар бир оила — тadbirkор" дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредит ажратилиб, уларнинг ўз бизнеси, мунтазам даромад манбаини яратишга қўмақлашилди.

Иқтисодийётнинг барқарор ва тизимли ривожини мамлакатда ижтимоий соҳани ривожлантиришга ҳам катта туртки бўлди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўпжа ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш йўналишида даволанган фуқаролар миқдори 50 тадан 126 тага ошди, тиббиёт муассасалари моддий-техника базаси тубдан қайта мустаҳкамланмоқда, тизимда янги технологиялар жорий этилиб, кадрлар салоҳиятини юксалтириш борасида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари қатор имтиёзлар берилгани боис ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Маълумки, болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида мактабга таълим тизими жуда муҳим ўрин тутади. Президентимиз ушбу тизимга ҳам алоҳида аҳамият қаратиб, бу борада тарихий ҳужжатларни қабул қилди. Утган қисқа вақт давомида Мактабга таълим вазирлиги тузилиб, тизимни комплекс ривожлантириш, бу йўналишда давлат ва нодавлат тармоқни кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги мақсад ва вазифаларни бажариш юзасидан назоратни қўлайитириш, давлат билан жамият ўртасида янада яқин алоқаларни ўрнатиш учун парламент, Ҳукумат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, аниқсая, ушбу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказишни таъкил қилди. Шу ташаббус асосида Олий Мажлис палаталари Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга ошири-

лини назорат қилиш бўйича парламент комиссиясини ва унинг регламентини тасдиқлади.

Бугунги кунга келиб янги парламент Ҳукумат билан биргаликда Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасидаги вазифаларни бажаришни ўз олди-га бош мақсад қилиб олган. Сенатор ва депутатлардан иборат Парламент комиссиясининг энг асосий вазифаларидан бири, бу — Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ижро ҳокимиятининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятлари самардорлигини оширишдан иборат. Шу мақсадда, Парламент комиссияси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини қўллаб-қувватлайди, назорат қилади ва унга қўмақлашади. Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган қўнун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тизимли мониторинг қилишни ҳам йўлга қўяди.

Айтиш жоизки, шу кунларда бутун дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган COVID-19 инфекцияси, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмади. Коронавирус пандемиясига қарши курашиш давлатимизнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди ҳамда бу борада Ҳукуматга аниқ вазифалар топширилди. Бундан ташқари Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари пандемиянинг хатарли таъсирининг олдини олишга қаратилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, унинг турмуш тарзини яхшилаш, тadbirkорларнинг фаолияти барқарорлигини, аҳолининг бандлигини таъминлашда дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур шароитда парламент аъзолари ҳам ўз олдида аниқ вазифаларни белгилаб олди. Қисқа муддатларда пандемия тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этадиган қўнунлар қабул қилинди. Ушбу қўнунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларининг олиб боришда депутатлар ва сенаторлар фаол қатнашмоқдалар.

Шу билан бирга, мазкур мураккаб вазиятда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қўшма қарори қабул қилинди, парламент палаталари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан аҳолига томорқадан самарали фойдаланиш бўйича ҳар томонлама амалий ёрдам берилди.

Мурожаатномасида Президентимиз томонидан илк мартаба юртимизда камбағаллар борлиги очик тан олиниши ва уларга оид рақамлар келтирилиши ҳам ижро ҳокимияти, шу жумладан, бизнинг олдимида нақадар муҳим вазифалар турганлигидан далолатдир. Камбағалликни бартараф этиш масаласи Барқарор ривожланиш мақсадларининг ҳам асосий мақсадла-

ридан бири. Шулардан келиб чиқиб, БМТ билан ҳамкорликда камбағалликни кескин қайтариш юзасидан тегишли қўнунлар, дастурлар ва уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилади.

Парламент комиссияси зиммасига Ҳукумат томонидан тақдим этиладиган йиллик бюджет параметрлари қай даражада белгиланган ва миллий Барқарор ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга ошириш бўйича режаларига мослигини кўриб чиқиш ваколати ҳам юклатилмоқда. Зарурат бўлганда, Давлат бюджетни ва Давлат бюджетни тўғрисидаги қўнунга ўзгартишлар киритиш юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиқиши мумкин.

Бундан ташқари парламентимиз соҳада илгўр хорижий тажрибани ўрганиш, халқорамкорликни янада ривожлантиришни ҳам мақсад қилган.

Чет эл парламентлари ва нуфузли парламентар тузилмалар билан мулоқотларда бу масалага оид тажрибаларни ўрганиш ва юртимизда муваффақиятли татбиқ этишга ҳам ҳисса қўшади. Парламент комиссияси аъзолари тўғрисидаги қўнунга Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги ютуқларини кенг ёритиш мақсадида, жумладан, БМТ

Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг (ЭКОСОС) юксак даражадаги сиёсий форумида ИХТБҲИЙ миллий шарҳларни муҳокама қилишда ва тақдимида қатнашади. Бу каби нуфузли тақдимида ҳам юртимизда олиб борилаётган ишлар ҳамда мазмун-моҳиятини кенг ёритиш, халқорамкорликни ўрганиш ва тақдимида қатнашади. Бу каби нуфузли тақдимида ҳам юртимизда олиб борилаётган ишлар ҳамда мазмун-моҳиятини кенг ёритиш, халқорамкорликни ўрганиш ва тақдимида қатнашади.

Албатта, бу ишлар Ўзбекистондаги БМТ тузилмалари ваколатхоналари ёрдамида амалга оширилмоқда. Улар билан биргаликда халқимизнинг келажак тақдирига дахлдор бўлган қўллаб-қўйилганлигини ҳам айтиш зарур. Шулар қаторида "Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий интеграциясини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича парламент жараёнларини қўлайитириш" концепцияси БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, мазкур йўналишда парламентнинг қўнун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш ҳам талаб этилади. Бундан ташқари давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ваколатларини тубдан қўлайитириш механизмлари жорий этилади. Чунки айнан улар жойларда бу борада олиб борилаётган ишлар устидан депутатлик назоратини амалга оширадилар.

Умуман олганда, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий манфаатларимизга, мамлакатимизда белгилаб олинган стратегик вазифаларга тўла мос эканлигини инобатга олиб, уларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш барча давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Албатта, бундай вазифаларни амалга ошириш жараёнларига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш талаб қилинади. Бинобарин, улар қўмағида олдимизга қўйилган улкан мақсадларга тезроқ эришамиз. Муҳими, шунинг орқасидан халқимиз фаровонлиги ошади, турмуш даражаси юксалади.

**Танзила НОРБОЕВА,**  
Олий Мажлис Сенати Раиси

## Қилмиш-қидирмиш

# Аросат кўчасининг

ча юртдошлари ва Туркияда-эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақидаларастликнинг қўланаси ҳиди аниққўйган ёвуз гоғлар, қарашларни ўз она юрти ва бошлана топган манзил-мақондаги яқинлари, узок-яқин танишларини онгига сингдириш билан кифояланмади. Улар-

ернинг ҳўжайинларидек ҳис эта бошлади, дадиллиги кўзиди. Кўнгли тинч ва осулда меҳнатни эмас, бузгунчиликни кўрсатди. Тақводорликни касб қилсам, кошнқийди. Йўқ, бу йўл унга маъқулмас. Оддий тақводорликдан иш чиқмайди. Бундай аллоҳида инсон қалбини забт этиш, уни диний ақидаларастлик кўчасига етаклаш амри маҳол. Биласиз, эзгу мақсадлар: ялли тинчлик, осойишталик, аҳиллик, баҳамжихатлик, муроаю мадрора, баргиреклик, меҳр-оқибат, кечиримлик, саховатпешалик ҳислари ва амалларига йўғрилган. Афсуски, бундай ибратли ҳаёт йўли Муродбекка ўхшаганларга хуш келмайди.

Муродбек диний ақи

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бирок давлатимиз раҳбари та- шаббуси билан пандемия ва гло- бал инкироз ҳолатларининг миллий иқтисодиётимизга салбий таъси- рини юмшатиш ва олдини олиш борасида барча зарур чора-тад- бирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронави- рус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқ- ларига салбий таъсирини юмша- тиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониغا мувофиқ 10 триллион сўмлик Инкирозна қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг йўналишлари белгиланди. Шунинг баробарида, ижтимоий соҳага маб- лағ ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ чо- ралар кўрилди.

Яна бир жиҳат, давлатимиз раҳ- барининг 2020 йил 15 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даври- да Ўзбекистон Республикаси Дав- лат бюджети барқарорлигини таъ-

минлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молия- лаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида"ги қарорига биноан бюджет

келиб чиқиб, давлат бюджетига те- гишли ўзгаришлар киритилиши зарурияти юзага келди.

Мазкур янги қонун эса, корона-

### Бюджет харажатлари оптималлаштирилиши барқарорликни таъминлайди

янги қонун билан коронавирус пандемияси ва глобал инкироз даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет харажатлари оптималлаштирилади

харажатларини мақбуллаштириш ҳамда республика бюджетидан ма- ҳаллий бюджетларга трансферт- ларни амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ўз навбатида, бу тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг моли- явий таъминоти масалаларидан

вирус пандемияси ва глобал ин- кироз даврида Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва ус- тувор йўналишларини инобатга ол- ган ҳолда харажатларни оптимал- лаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шун- даки, республика бюджетидан фер-

Янги қонун моҳияти

## Янги ва оқилона тартиблар

жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада мустаҳкамлайди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жорий йилнинг 14 май куни давлатимиз раҳбари томонидан "Ўзбекистон Рес- публикаси Жиноят-процес- суал кодексига жиноят процессида иштирок эту- вчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғ- рисида"ги қонун имзоланди. Янги қонун ушбу йўналишда амалга оширилаётган исло- хотларнинг мантикий давоми бўлди.

Мазкур қонун талабларига мувофиқ, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимлари жиноят иши бў- йича гумон қилинувчига, айб- ланувчига нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қа- моғи ёки экспертиза ўтқа- зиш учун шахсни тиббий му- ассадга жойлаштириш тар- зидаги процессуал мажбу- ров чораларини қўллаган тақ- дирда, бу ҳақда уларнинг оила аъзолари ёхуд бошқа яқин кишиларига дарҳол ха- бар бериши шарт.

Бундан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодими жиноят содир этиш- да гумонланаётган шахсни ушлаш, унга процессуал ҳу- қуқларини тушунтириш, шу- нингдек, ушланган шахсни шахсий тинтув қилиш ҳамда унда бўлган нарса-буюмлар- ни олиб қўйиш тарзидаги тергов ҳаракатларини ўтқа- заётганида, бу жараёнлар видеоёзувга қайд қилиниши лозим.

Шу билан бирга, амалиёт- да шахсни ушлаш чоғида ви- деоёзув воситаларини қўла- лаш имкони бўлмайдиган турли вазиятлар бўлиши мумкинлиги инобатга олин- ди. Қонунда ушлаб туришни видеоёзув орқали қайд этиш- нинг мажбурийлигини белги- ловчи қоғдага истисно ҳам

назарда тутилмоқда. Яъни шахсни ушлаш, шах- сий тинтув ва олиб қўйишни ўтказишнинг кечиктириб бўл- майдиган ҳолларида, масалан, жиноят содир этилган жойда шахсни ушлаш, қидирувда юрган шахсни ушлаш каби тезкор жараёнларда ушбу ама- лиётларни видеоёзув орқали қайд этмасдан ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда ушлаб турилган шахс яқин орадаги ички ишлар органи- га ёки ҳуқуқни муҳофаза қи- лувчи бошқа органга олиб ке- линганидан сўнг ваколатли шахс видеоёзувдан фойдала- шган ҳолда унинг процессу- ал ҳуқуқларини мажбурий тар- тибда тушунтиради.

Маълумки, жиноят процес- суал қонунчилигига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритила- ётган даврда исталган вақт- да ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Қонунга киритилган ўзгар- тишларга кўра, эндиликда ҳимоячидан воз кечиш жара- ёни ҳам видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Мазкур жараён туширилган видео- ёзув материаллари баённо- мага илова қилинади.

Мазкур қонун билан амали- ётда юзага келаётган қўллаб- тушувчиликлар ҳамда но- розиликларнинг олди олина- ди. Шу билан бирга, қонун- нинг ўтказиш асоси бўлиши ҳу- қуқни муҳофаза қилувчи ор- ганлар ҳодимларининг хатти- ҳаракатлари юзасидан бери- лаётган шикоятларнинг ка- майишига олиб келади.

Энг муҳими, белгиланган ушбу янги ва оқилона тар- тиблар жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр- кинликларини таъминлашида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шерзод ТҲУТАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Натижада 87 мингта тадбир- корлик субъектининг жами 18 триллион сўмлик банк кредит- ларини қайтариш муддати узятирилди.

Давлат мулкидан фойдала- наётган 11 мингдан ортиқ тад- биркор ижара тўловидан озод бўлди.

Шу билан бир қаторда, ки- чик бизнес вакиллари, яъки тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этил- моқда. Бунинг натижасида 50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўмни тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.

Энг қувонарлиси, тадбир- корларга айланма маблағла- рини тўлдириш учун 500 мил- лиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенса- ция миқдори 5 фоиздан 10 фоизга ошириляпти. Бу бора- даги ишлар изчил давом эт- тирилмоқда.

Куни кеча Президентимиз томонидан имзоланган "Коро- навирус пандемияси даври- да аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувват- лаш бўйича навбатдаги чора- тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ўз вақтида қабул қилингани билан катта аҳа-

Шарҳ

## Навбатдаги чора-тадбирлар:

### тадбиркорлик субъектлари фаолияти қўллаб-қувватланади



қўйидаги фоиз харажатлари- ни қоплашга компенсация бе- ришни бошлайди; тадбиркорлик субъектла- ри "Марказий банк" асосий ставкасининг 1,75 баравари- дан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган инвес- тициявий кредитлар бўйича, кредит шартномаси амал қилишининг биринчи йили давомида;


- 1 октябрга қадар тадбир- корлик субъектларига айлан- ма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада 500 миллион сўмгача бериладиган кредитлар бўйича кредит шар- тномаси амал қилиш мудда- ти давомида 10 фоизлик пункт миқдориди.

Фармонда Молия вазирли- ги Қорақалпоғистон Респуб- ликаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек, зарурият туғилганда бюджет- дан ташқари Пенсия жамғар- масига солиқ имтиёзлари

берилиши ва ижтимоий на- фақа олувчилар сонининг ошиши натижасида олинмай қолганда даромадлар му- ндасабати билан вазирлик хузуридаги Инкирозна қарши курашиш жамғарма- си ҳисобидан субсидиялар ажратилиши ҳам назарда ту- тилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармондан кўзланган мақсад битта — коронавирус пандемияси даврида аҳоли бандлигини ошириш, даро- мадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашдир. Зеро, ишлаб чиқариш суръатлари- ни тиклаш ва тадбиркорлар- нинг барқарор фаолият юри- тиб кетиши учун зарур шарт- шароитларни яратиш ҳозир- ги пайтда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари



## Боши берк

ёки бузғунчиликка даъват жоҳилликдир

Пировардида тергов орга- ни томонидан ўтказилган тад- бирлар Муродбек хорижда экстремизм ва террорчилик- ни тарғиб қилаётган 40 ном- даги бузғунчи тармоқлар- нинг электрон манзилларини ўзининг таниш-билишларига ошкор этгани, ушбу манбалар орқали тарқатилган ёлғон- яшиқ, игво ва бўҳтондан ибор- ат даъват ва маърузалар билан ҳар куни ва мунтазам танишиб боришга ундагани- ни кўрсатди. Тасвирлардаги даҳшатли уруш, қирғин, зў- равонлик манзаралари, тах- қирлаш, очлик, қаҳатчиликни ифодаловчи лавҳалар инсон кўнглини хуфтон этиши, ди- лида бу янглиғ ҳолатларга нисбатан ҳажр ва ғазаб туй- гуларини жунбушга солиши



турган гап. Бирок Муродбек одамийликнинг бу каби неъ- матларидан аллақачон масу- во бўлган. Башарти, шундай бўлмаганида, жирканч ва аянчли манзаралар, пуч гоя ва даъватлар битилган ёзув ва тасвирларни ўзгаларга асло раво кўрмасди. Мурод- нинг даъватларидан ўзга юр- тда бирга яшаётган ота-она- си, синглиси ва унинг умр йўлдоши ҳам "бахраманд" бўлиши. Бундай даъват ва чақирқларидан унинг ушбу мамлакатда яшаб ишлаётган амакиси О.Эшчонов, қайноғаси У.Хўжаниёзов, синфдоши Т.Отажонов, яна икки нафар яқини С.Рўзиматов, С.Пана- евалар ҳам четда қолишмади.

Сохта диний "арбоб" М.Эш- чоновнинг чет элдаги "юри- ши" кечмиш йили куз, аниқ- роғи, ўша йилнинг 6 ноябрь куни поёнига етди. "Истам- бул-Тошкент" авиа йўналиши орқали юртимизга етиб кел- ди. Ёнидаги уяли телефони хотираси ёт ақидаларга бой даъват ва маърузалар, видео тасвирлар билан тўлиб-тош- ганига қарамай самовий бан- даргоҳдаги бохжона ва чега- ра кўригидан бирон-бир мо- нелликсиз ўтиб олди. Бунга чи- қиш жойидаги деярли назор- ат қилинмайдиган "яшил йўлак" бўйлаб ҳаракатлангани сабаб бўлди. Қарийб минг ча- қиримлик Тошкент-Хонча йўли ҳам силлиқина кечди.

Аммо қуюшқондан чиққан қил- миш силлиқина йўқолмайди, исзис ҳам кетмайди. Мурод- бекнинг диний ақидапараст- лиқ бобидаги анчайин "сама- рали" фаолиятининг бор таф- силоти тергов-ўрганиш тад- бирлари жараёнида юзага чиқди. Устомон даъватчи Жи- ноят кодексининг жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тар- тибига таҳдид соладиган ма- териалларни тайёрлаш ёки тарқатишга оид 244-моддаси 3-қисми "г" банди ва контра- бандага доир 246-моддаси 1-қисмига биноан айбдор, деб топилди ва эҳтиёт чораси си- фатида суд томонидан вақтин- чи ҳибсга олинди. Суд ушбу айбни асосли деб ҳисоблади. Бундай вазиятда айбга муносиб жазо тайинлан- моғи зарур. Лекин масала- нинг узрли тарафлари бор ва ишни батафсил кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича вило- ят суди мазкур ҳолат, чунон- чи, айбланувчи ўз қилмиши- га астойдил иқроқлиги, пу- шаймонлиги, машъум ҳа- ракатга оқибатини чуқур ва обдон ўйламаган, идрок этма- ган алфозда қўл ургани, оила- вий шароити, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ижобий тавсиф- ланганини инобатга олди. Ма-

салага бағрикенглик, кечи- римлилик тамойили асосида ёндашди. Пировард натижада унга нисбатан Жиноят кодек- сининг жазони сезиларли да- ражада енгиллаштирувчи 57-моддасини тадбиқ этиш мақ- садга мувофиқ, деган хулоса- га келинди. Табиийки, жазо ҳам ана шу модда талаби до- ирасида тайинланди. Судла- нувчи 3 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. У бу жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди.

Хулоса шуки, инсон - эзгу- лик учун яратилган зот. Зеро, эзгулик қўл берганлар до- имо Яратганнинг марҳамати- га сазовор бўлишади. Унга шак келтирилган, хоши-иро- да- сига қарши борганнинг холи- га эса, ҳавас қилиб бўлмай- ди. Чунки улар нанкики худо- нинг ғазоби, нафратига уч- райдилар, балки эл-улус қар- гишига ҳам дучор бўладилар. Муродбекнинг аини паллада- ги қисмати бошқалар учун ҳам ҳаёт сабоғига айланса, аини мудаъо бўлади.

Музаффар САМАНДАРОВ, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси, Абдулла СОБИРОВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

## АЛДОВ ТҲУРИ

### «ОВЧИ»НИНГ ҲУЗИГА АТАЛГАН БАЛО

Самариддин (исм-шарифлар ўзгартрилди) ишдан қайтгач, уйда қутилмаган хушхабарни эшитди. Нима эмиш, у "Грин-карта" лотереясида голиб бўлибди, шунинг учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида зудлик билан Самарқанд шаҳрига, айтилган манзилга етиб бориши керак эмиш.

Бу воқеа 2018 йилнинг июль ойида бўлиб ўтганди.

Бир йил бурун — Суд очерки

2017 йилнинг ёзида Самариддин олий ўқув юрти- га ҳужжат топшириш учун Са- марқандга борган пайти кў- чада аллақандай нотаниш кимсалар АҚШ давлатига бо- риш учун "Грин-карта" лоте- рея ўйинида иштирок этиш- га таклиф қилишганди. Самариддин қизиқиб, улар берган анкета саволларига ўзи ҳақидаги маълумотлар- ни ёзиб берганди. Энди эса, лотерея ўйинида голиб бўлгани тўғрисида хуш хабар келиб турибди.

У буни эшитиб, қувончдан боши осмонга етди ва эрта- си куни эрта тонгда Самар- қандга отланди. Шаҳарнинг Мирзо Улуғбек кўчасида жой- лашган "Фарм медиал локс- таблетка" хусусий корхонаси- ни топиш унчалик қийин бўл- мади. Хусусий корхона ҳаж- айини Сами Сиддиқов Сама- риддиннинг келишидан ха- қбардор экан, дарров мақса- дга кўчди.

— Аввало "Грин-карта" лоте- реяси ўйинида голиб чиқ- қанингиз билан табриқлай- ман, — деди у йигитга бош- оёқ разм солиб. — Бундай омад ҳаммага ҳам nasib эта- вермайди. Энди контракт- шартнома расмийлаштирсак, бас.

Ўшанда Сама- риддин контракт- шу билан хорижга ишга жўна- тиб юборишди, деб ўйлаган- ди. Аммо бундай бўлмади. Ҳамма савдолар ҳали олдин- да экан. Аввало ҳужжатларни расмийлаштириш учун қар- ийб 5 минг АҚШ долларига тенг маблағ зарурлигини ай- ттишди. Контракт-шартнома тўлови, элчихонадан виза олиш, тиббий кўрикдан ўтиш, авиачипта харажатлари, хул- лас, буларнинг барига 5 минг АҚШ долларига тенг маблағ керак экан.

Бундай катта миқдордаги маблағни эшитиб, Самарид- диннинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Оилавий шарои- ти қийинлиги туфайли бун- ча пулни тополмаслигини очиқ-ойдин айтди. — Хорижга ишга боришин- гизнинг яна бир йўли бор, — деди С.Сиддиқов бироз су- кунатдан сўнг. — АҚШга ке- тиш ниятида юрган бир қиз бор. Агар у билан никоҳдан ўтсангиз, барча харажатлар- ни унинг ўзи кўтарди.

Буни эшитиб, Самариддин ўйланиб қолди ва у уйдаги- лар билан маслаҳатлашиб, жавобини айтишини бил- дирди. (Давоми 4-бетда) ▶

Муносабат

Адиблар хиёбони нафис мажлислар, маърифат ва маънавийт марказидир

Агабиёт ҳар бир халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини боғловчи таъсир кучига эга муҳим воситадир. Унда миллатнинг маданияти, урф-одати, гунаҳқароши, маънавийти акс этади. Демак, агабиёт яшаса — миллат яшайди, унинг шаъни улуғланади, қадриятлари қадр топади.



Шу боис мамлакатимизда адабиёт ва санъатга алоҳида ҳурмат билан ёндашилади. Уни ривожлантириш йўлида ислохотлар тизимли олиб борилмоқда. Бундан 3 йил аввал ана шундай мақсадларга хизмат қилувчи яна бир йирик лойиҳага қўл урилди, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбони барпо этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган эди. Қарорга кўра, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мажмуавий тарзда олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида пойтахтимиз марказидаги Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Бу тарихий воқеали адабиётимизни яна бир поғона юксакка кўтариши билан аҳамиятлидир.

Президентимиз мазкур масканнинг очилиш маросимида Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш зарурлигини таъкидлади. Ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берди. Айтиш мумкинки, хиёбон маънавий

хиёбатдан кенг қамровли бўлиб, у катта мақсадлар йўлида хизмат қилади. Сир эмаски, бугун биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бундай даврда инсон қалбига йўл топиш мушкулдир. Одамларнинг дунёқарашини бойитиш, эзгу мақсад-ғояларга илҳомлантириш учун адабиётдан кенг фойдаланиш лозим. Унинг таъсири жараёнида бола-ча нафақат билим, балки эстетик завқ бағишлаб, дарсга, фанга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилувчи ангилликлар жорий этиш керак.

Айни пайтда инсоният бошига тушган пандемияга қарши курашиш, иқтисодий қийинчиликларни енгишимиз талаб этилади. Бироқ бу мамлакатимизда бошқа соҳалар назардан четда қолади, дегани эмас. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида янада катта масъулиятли вазифалар мавжуд. Зотан, илм бу маърифат, маънавият, бу инсоннинг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ бўлган жараёндр. Ҳозирги мураккаб вазиятда Адиблар хиёбонининг очилиши ҳамда у ерда яратилган юксак маънавий мерос объектлари халқимизнинг руҳиятини кўтаришга, ёшларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишига шубҳа йўқ. Шу ўринда Президент, ижод ва иттиҳослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги таълим даргоҳларида юртимиздаги малакали кадрлар ҳамда хорижий мутахассислар болаларга интерактив тарзда чуқурлаштирилган билим бермоқда. Янги барпо этилган хиёбон эса

истеъдодли, ижодкор ўқувчиларимиз учун катта совға бўлди. Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадий композицияда, мантикий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Бугунги ёшлар интернет, электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланишини инобатга олсак, миллий адабиётимиз ҳазинасини интернетда тарғиб этиш энг самарали усул ҳисобланади. Замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда адабий порталлар яратиш ҳам муҳим вазифалардан саналади. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи ва адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек, инглиз ва рус тилларида фаолият кўрсатса, ундан хорижий мухлис ва мутахассислар ҳам фойдаланиш имконияти яратилади.

Ҳозир вазият қандай бўлишидан қатъи назар, эртага, албатта, у ўз ечимини топади. Шундай экан, биз аввалгидан ҳам катта куч ва ғайрат билан ирзишда давом этамиз. Юксакликка эришиш учун тинимсиз ўқиш, ўқитиш, катта меҳнат ва, албатта, сабр талаб этилади. Зеро, бугун биз фарзандларимизга тўғри ва муносиб таълим-тарбия бериш орқали ўзимизнинг келажакимизга инвестиция ҳозирлаймиз.

**Сарвар БОБОХҲАЕВ,**  
Президент, ижод ва иттиҳослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги раҳбари.  
ЎЗА

Маълумки, Фарғона тумани водийнинг қўшни Қирғизистон билан чегарадош туманларидан яқин ҳисобланади. Бу эса, давлат чегараси ва унга яқин ҳудудларда тинчлик-осойишталик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларидан жиддий масъулият талаб этади.

Кўзи очилмаган



Жазо муддатини ўтаётиб, яна жиноятга қўл урди

Шунга қарамай, ўз нафсининг измидан чиқолмаган айрим кимсалар томонидан нафақат турли товар-моддий бойликлари, балки гиёҳвандлик моддаларини ҳам давлат чегарасидан яширин равишда ўтказиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Яқинда жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судида ана шундай жиноят ишларидан бири кўриб чиқилди.

Тергов ва суд жараёнида аниқланишича, туманининг Бўстон маҳалласида яшовчи Шерматбек Жўраев (исм-шарифлар ўзгартirilган) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2019 йил 13 апрелдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а"-банди (гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш) билан айбдор деб топилди, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига маҳкум этилган. Аммо кўзи очилмаган "қаҳрамон"имиз жазо муддатини ўташ мобайнида яна шў тойфадаги жиноятга қўл урди.

Гап шундаки, Шерматбек 2019 йил 19 май куни кийим-кечак сотиб олиш мақсадида тумандаги "Фарғона" чегара нazorати пункти орқали Қирғизистон Республикасининг Қадомжой тумани Халмиён қишлоғидаги бозорга боради. Бозорда у эски таниши Шариф исми йигит (жиноят ишчининг унга нисбатан қисми ажратилган)ни учратиб қолади. Шу боис ҳол-аҳвол сўрашгач, меҳмон уни уйига таклиф қилади.

— Бугун сени бир меҳмон қилай, — дейди Шариф гиёҳвандлик воситаси истеъмолига ишора этиб.

Шундан сўнг у Ш.Жўраевни "гашиш" билан "сийлайди". Натижада "товар" маълум қелиб, меҳмон 500 граммга харидор бўлади.

— Беш юз доллардан камми йўқ, — деди Шариф гиёҳвандлик моддасининг баҳосини.

— Майли, розиман, фақат пулини кейинроқ олсан, чегарагача ҳам ўзинг олиб бориб берасан, — дея Шерматбек ҳам шарт қўяди.

Қисқаси, эртаси куни кечқурун — соат 22:00 ларда Шариф 500 грамм "гашиш" ва 0,73 грамм "опий" гиёҳвандлик воситаларини чегарага келтириб боради. Ш.Жўраев эса, уларни қабул қилиб олиб, республикамиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб ўтади. Кейин эса, бу гиёҳвандлик воситасини ҳовлисидаги дарахт остига қўйиб қўяди-да, вақти-вақти билан истеъмол қилиб юради.

Буни қарангки, орадан салкам олти ой ўтиб, 2019 йил 5 ноябрь куни кеч соат 22:30 да Шерматбек ўша захри котилнинг бир қисмини олиб, ўзининг "Тракер" русумли, давлат рақам белгиси бўлмаган автомашинасида Фарғона шаҳрига қараб йўлга тушади. Унинг

мақсади — гиёҳвандлик воситасини шаҳардаги фақат ўзининг кимсалар томонидан нафақат турли товар-моддий бойликлари, балки гиёҳвандлик моддаларини ҳам давлат чегарасидан яширин равишда ўтказиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Яқинда жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судида ана шундай жиноят ишларидан бири кўриб чиқилди.

Албатта, мазкур ҳолат бўйича айбдорга нисбатан Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми "а, б"-бандлари билан жиноят иши қўзғатилди. Суд эса, ҳар икки моддада назарда тутилган ва муқаддам ўталмай қолган жазоларни қўйиш йўли билан уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Шу ўринда Ш.Жўраевнинг қилмишидан келиб чиқадиган айрим мулоҳазаларга эътиборингизни қаратсак. Аввало, одам боласи учун гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишнинг ўзи — кеңирилмас хато. Чунки бу балонинг асорати инсон умрини таназуул чоҳига мубтало қилади.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ, жазо жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумини қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурун чорасидир. У маҳкумини ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Шу маънода айтганда, Шерматбекка илгари тайинланган озодликни чеклаш жазоси ҳам аслида унга қилмишидан ўзига тўғри ҳулоса чиқариб, келгуси ҳаётини изга солиб олиши учун берилган яна бир имконият бўлган. Аммо...

— Беш юз доллардан камми йўқ, — деди Шариф гиёҳвандлик моддасининг баҳосини.

— Майли, розиман, фақат пулини кейинроқ олсан, чегарагача ҳам ўзинг олиб бориб берасан, — дея Шерматбек ҳам шарт қўяди.

Қисқаси, эртаси куни кечқурун — соат 22:00 ларда Шариф 500 грамм "гашиш" ва 0,73 грамм "опий" гиёҳвандлик воситаларини чегарага келтириб боради. Ш.Жўраев эса, уларни қабул қилиб олиб, республикамиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб ўтади. Кейин эса, бу гиёҳвандлик воситасини ҳовлисидаги дарахт остига қўйиб қўяди-да, вақти-вақти билан истеъмол қилиб юради.

Буни қарангки, орадан салкам олти ой ўтиб, 2019 йил 5 ноябрь куни кеч соат 22:30 да Шерматбек ўша захри котилнинг бир қисмини олиб, ўзининг "Тракер" русумли, давлат рақам белгиси бўлмаган автомашинасида Фарғона шаҳрига қараб йўлга тушади. Унинг

Маълумки, Фарғона тумани водийнинг қўшни Қирғизистон билан чегарадош туманларидан яқин ҳисобланади. Бу эса, давлат чегараси ва унга яқин ҳудудларда тинчлик-осойишталик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларидан жиддий масъулият талаб этади.

Бошланғич 3-бета

Албатта, Самариддиннинг ота-онаси ўғлининг нотаниши қиз билан никоҳдан ўтишига қарши бўлишди. Лекин ўғли уммон ортидаги юртга ишга бормас, ҳар ойда яхшигина даромад топганини ўйлаб, охири-охири розилик беришди.

Шундан сўнг Самариддин яна Самарқандга, С.Сиддиқовнинг ҳузурига борди. Чамаси, олдиндан келишилган, шекилли, орадан кўп ўтмай хонага бир қиз кириб келади. С.Сиддиқов Самариддинга уни таништириб, исми Фароғат экан. Шу қиз билан никоҳдан ўтса, барча тўловларни унинг ўзи амалга оширажагини Фароғатнинг олдига очик айтиди.

Уша куни бўлажак "келин-куёв" никоҳдан ўтиш тўғрисида ФХДЭ идорасига ариза беришди, сўнг оилавий поликлиникага бориб, тиббий кўрикдан ҳам ўтишди. Қисқаси, бир ой деганда, Самариддин билан Фароғатнинг никоҳи ФХДЭ идорасида расмийлаштирилди.

Шу ўринда ўқувчида Фароғатга қалбаки никоҳ нега зарур бўлди, деган савол туғилиши баробарида, хусусий корхона раҳбари С.Сиддиқов нима учун қонунга хилоф ишларга бош қўшаётган, бундан унга қандай манфаат бор, деган қарғам пайдо бўлиши табиийдир.

Энди бу сирли воқеаларга ойдинлик киритадиган бўлсак, дастлаб "Фарм медибал локс таблетка" хусусий корхонаси раҳбари С.Сиддиқов жанобларига тўхталиш лозим. С.Сиддиқов 1983 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, маълумоти олий, оилали, уга нафар фарзанднинг отаси. Гап шундаки, у ўзининг "Грин-карта" лотереяси бўйича катта мутахассис эканлигини давраларда оғиз қўптириб мактанган. Унингнинг нозик томонларини мукамал билишини айтиб, голиб чиқиш учун ҳужжат тайёрлашда унга ҳеч қим тенг келолмаслигини айтган. Шу сабаб содда, ўта ишонувчан одамлар хорижга ишга боришининг амалда белгиллаб қўйилган тартиб-қоидага амал қилиш ўрнига фирибгар С.Сиддиқовдан ёрдан сўраб келишган.

Самариддин билан сохта никоҳдан ўтган Фароғат Носированинг онаси М.Солиева Америка Қўшма Штатларида яшаб, ўша ерда ишлаётган. Фароғат АҚШга қаққиб олиши

ни сўраб, онасини ҳол-жонига қўймайди. Шундан сўнг М.Солиева таниш-билишларидан сўраб-суриштириб, телефонда С.Сиддиқовнинг аммаси З.Толипова билан боғланади ва С.Сиддиқов қизи Фароғатни қай йўл билан бўлса-да, Америкага жўнаб кетишига ёрдам беришини илтимос қилади. Сўхбат чоғида харажатлар

Эхтиёт бўлинг, фирибгар!



дан қочмаслиги, қуруқ қўймаслигини айтади. Узини ҳолис воситачи санаган З.Толипова жияни С.Сиддиқов билан Фароғатни таништириб қўяди.

— Гап бундай, — мақсадини Фароғатга очик баён қилади С.Сиддиқов. — 17 минг 500 АҚШ доллари берсангиз, "Грин-карта" лотерея уйинида голиб чиққан шахс билан расман турмуш қурдириб, сизни хорижга чиқара олам.

Фароғат унинг таклифига рози бўлади, онаси хориждан 8 минг 100 АҚШ доллари жўнатган эди, қолганини танишларидан қарз кўтариб, С.Сиддиқовнинг қўлига тутқазади.

Орадан кўп ўтмай С.Сиддиқов яна 4 минг АҚШ доллари заруриятини айтади. Аммо ҳали бирон-бир натижа кўрмаётгани туфайли Фароғатнинг С.Сиддиқовга нисбатан ишончи йўқолаётган. Шу сабаб у 4 минг АҚШ долларини беришни пайсалга солади. Орадан онаси М.Солиева хориждан уйга — Самарқандга қайтади ва С.Сиддиқов билан учрашади.

Сўзамол, ўзини билан қилиб кўрсатган С.Сиддиқов М.Солиеванинг ишончига кирди. Она қизини АҚШга жўнати олишига қаттиқ ишониб, С.Сиддиқовга сўраган 4 минг АҚШ долларини ўз қўли билан беради.

Бироқ орадан нафақат ойлар, балки йил ўтиб кетаётган бўлса-да, расман никоҳдан ўтган Самариддин билан Фароғатнинг хорижга ишга кетиши хануз номаълумлигича қолаётган. Аслини олганда ҳам, С.Сиддиқов фирибгарлик йўли билан жабранувчи М.Солиевани "чув" туширган, унинг 13 минг 800 АҚШ долларини

ларни рўқач қилиб, бермасдан алдаб келади.

Мазкур жиноят иши судда мазмунан кўрилиш чоғида жабранувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, ишда мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо берилди.

Суд судланувчи С.Сиддиқовга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2004

йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-банди, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги қарори 37-бандидаги раҳбарий тушунтиришларга асосланди. Ҳуқм қонуний кучга киргач, вилоят ИИБ депозит рақамиди сақланаётган 41 миллион сўм пулларни жабранувчи Т.Сирожевнинг фойдасига ўтказишни лозим топди.

Шундай қилиб, суд С.Сиддиқовни Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 4-қисми "а" банди ва 168-моддаси 4-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этгани билан айбдор деб топди. Унга нисбатан айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, тайинланган жарима жазоларини қисман қўйиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари — 20 миллион 273 минг сўм жарима жазоси тайинлади ва давлат даромадига ундирди.

Воқеа тафсилотларидан ойдинлашдики, фирибгарликни ўзига касб қилиб олган С.Сиддиқов адровлари билан ҳеч нарсасга эришолмади. Фақат унга ишонган кишиларнинг сарсон-саргардон бўлгани қолди, ҳолос.

Шу ўринда кўнгилдан бир қатор фикрлар кечади. Бугун

ларни рўқач қилиб, бермасдан алдаб келади.

Мазкур жиноят иши судда мазмунан кўрилиш чоғида жабранувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, ишда мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо берилди.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
Икром МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВА
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ
Жонибек РАУПОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" мухбири

Набатчи муҳаррир:

- Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Манзилини: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-523. Қроғ бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотивда эркин нарҳда. Адади: 8688. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23°. Топширилди: 3°.

Куч — адолатда

МУАССИСА: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

- Козимджан КАМИЛОВ
Икром МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВА
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ХАЙТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ